Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 4 апрель • пайшанба • № 44 (4173)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## БЕШТА ТАШАББУС БЎЙИЧА ДАСТУРЛАР ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Аввал хабар қилинганидек, 19 март куни бу борада видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, бирламчи вазифалар белгилаб берилган эди. Уларга мувофиқ ҳар бир ташаббус бўйича чора-тадбирлар дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Йиғилишда мазкур дастурларга киритилган таклифлар, уларни амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди.

Хусусан, биринчи ташаббус бўйича ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид дастур лойиҳаси тайёрланган. Унга мувофиқ, 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшни маданият ва санъат соҳасига жалб этиш бўйича ҳудудий «йўл харита»ларини тасдиқлаш кўзда тутилган. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида қўшимча синфлар, маданият марказларида чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўгараклари, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамблларини ташкил этиш белгиланган. Янгидан қуриладиган, реконструкция ва капитал таъмирланадиган ҳамда жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати ҳам шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари дастур лойиҳасида тадбирларни амалга ошириш механизмлари етарли эмаслиги, ҳар бир шаҳар ва туманга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилган соҳа намояндаларининг амалий вазифалари аниқ белгиланмаганини қайд этди. Ҳудудий «йўл харита»лари ижросини тизимли ташкил этиш, тўгарак ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан, турли танловлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади.

Белгиланган қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари, шунингдек, маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини зарур чолғу асбоблари билан таъминлаш учун тегишли маблағ ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Иккинчи ташаббус юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган дастур лойиҳасида яқин 2 йилда ҳар бир туманда енгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт заллари қуриш белгиланган.

Президентимиз мавжуд ва янги қуриладиган спорт иншоотларига аҳоли ва ёшларни кенг жалб этиш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни янада кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

Учинчи ташаббусга мувофиқ аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларига оид дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда 2019-2020 йилларда туман ва шаҳарларда рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этиш ва уларда бепул таълим бериш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш кўзда тутилган.

Йиғилишда аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технологияларига қизиққан болаларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳаси тўртинчи ташаббус мақсадларини амалга оширишга қаратилган. Унга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиш ҳам белгиланган.

Бешинчи ташаббус бўйича ҳудудларда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастури лойиҳаси тайёрланган. 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёллар учун иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда ушбу корхоналарни пухта ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бозорини, яъни аниқ харидорини топиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборотлари эшитилиб, дастурлар лойиҳаларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

**ЎзА**

Хушхабар!

**Бельгиянинг Брюссел шаҳрида Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон банки, Ўзбекистон, АҚШ ва Швейцария элчихоналари ҳамда Европанинг Осиё тадқиқотлари институти ҳамкорлигида «Ўзбекистон пахта теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қандай барҳам бермоқда?» мавзуида форум бўлиб ўтди.**

### МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ:

## Ўзбекистон яна халқаро эътирофда

Унда Европа комиссияси, халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг нуфузли вакиллари, меҳнат ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотлар, пахта ишлаб чиқаришда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши бўлган инвестор ва ишбилармон компаниялар иштирок этди.

Форум иштирокчиси, Ўзбекистон делегацияси вакили – Касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев билан боғланиб, анжуман тафсилотлари билан қизиқдик.

– Форумда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга юксак баҳо берилди, – деди Б.Маҳмадалиев. – Халқаро экспертлар ушбу ислоҳотлар аҳоли фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатаётгани, давлат органлари фаолияти тубдан ўзгараётгани, мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик таъминланаётгани, нодавлат ва нотижорат ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий мулоқотлар ўз самарасини бераётганини мамнуният билан қайд этдилар. Айниқса, Ўзбекистондаги меҳнат соҳасидаги ўзгаришлар, хусусан, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида катта муваффақиятларга эришилаётгани алоҳида эътироф этилди.

ХМТ бош директорининг ўринбосари, Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директор Хайнц Кёллер Ўзбекистон ХМТнинг 15 та, шу жумладан, асоссолувчи конвенцияларини ратификация қилгани, уларни бажаришдаги ҳукуматнинг собитқадамлиги учун миннатдорлик билдирди. 2018 йилнинг декабрь ойида ХМТ бош директори Гай Райдернинг мамлакатга ташрифи аслида Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари эътироф этилганидан далолатдир, деди у.

Европа Иттифоқининг Осиё, Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Осиё-Тинч океани мамлакатлари минтақалари бўйича департаменти директори Пьер Амилат Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукумати, ХМТ ва Жаҳон банки билан Ўзбекистонда пахта терими мавсумида ХМТнинг мустақил мониторингини ташкил қилиш бўйича изчил ҳамкорлик қилинаётганини таъкидлади. Департамент директори яқин орада Европа Иттифоқи Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва умуман қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга бюджет кўмаги йўналтирмоқчи эканини маълум қилди.

Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси вакили Жон Бейнарт эса Ўзбекистондаги ўзгаришлар кутилганидан зиёда бўлаётганини эътироф этар экан, бу жараёндаги ташаббуслар мамлакатнинг ўзидан чиқаётгани ниҳоятда муҳим жиҳат эканига алоҳида урғу берди.

«Хюман Райтс Уотч» халқаро ташкилоти вакили Стивен Свердлоу сўнгги икки йилда Ўзбекистон ҳукумати билан бир қатор самарали учрашувлар ўтказилганини муҳим кўрсаткич сифатида қайд этди.

Ушбу форум тафсилотларидан амин бўлмоқдамизки, меҳнат соҳасидаги стратегияларга эришишдаги халқаро ҳамкорлик ва мулоқотлар Ўзбекистоннинг халқаро даражадаги нуфузи янада ошаётганини намоён этмоқда.

Биз форум доирасида Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Шарон Барроу билан икки томонлама учрашув ҳам ўтказдик. У Ўзбекистоннинг қисқа муддатда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатини бартараф этиш борасида эришган натижаларидан ҳайратда экани, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси минтақада етакчилик қилаётганини эътироф этди. У ХКУКнинг Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича ишларини мувофиқлаштиришда федерациямиз билан ҳамжиҳатликда ишлаш умидида эканини маълум қилди. Шунингдек, касаба уюшмаларига ёшлар ҳамда аёлларнинг кўпроқ масъул вазифаларга жалб этилаётганини олқишлади. Шарон Барроу Ўзбекистонда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири устида иш бошланганини юқори баҳолади.

**Ўз мухбиримиз**

Наманган вилояти

**Бу синовли дунёда кимдир тўқчилик билан, кимдир эса йўқчилик билан синалар экан. Бошига оғир кун тушганларга яхшилик қўлини чўзмоқ инсонийликнинг энг юксак кўринишидир. Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги амалий ҳаракатларга янгича куч берди. Юртимиздаги минг-минглаб эҳтиёжманд оилалар кўрсатилган ёрдамлар туфайли ўз иқтисодини бир қадар ўнглаб олишга эришди. Қарор ижроси доирасида аниқланган уй-жойга эҳтиёжманд оилаларга эса янгитдан хонадонлар қуриб берилди.**

Бор бўл, оқибат!

## Кўнгил иморати мустаҳкам



Наманган вилоятида ҳам 50 та оилага икки сотихли ва икки хонадан иборат хонадонлар калити ва замонавий ҳовли-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тантанали тарзда топширилди.

Эътироф этиш жоиз, янги уй билан биргаликда хонадон соҳибларига ҳомийлар ҳисобидан 50 тадан товуқ (замонавий катак ва озуқаси билан), маиший техника жиҳозлари тортиқ қилинди.

– Биз мазкур хонадонларни барпо этишда, асосан, бир манзилда, барча қулайликларга эга бўлишига эътибор қаратдик, – дейди Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Шуҳрат Мусаев. – Наманган шаҳрининг Орзу даҳаси ҳам ҳар жиҳатдан қулайлиги, табиий газ, электр энергияси, сув билан узлуксиз таъминланганлик жиҳатидан энг мақбул ҳудуд. Туманларда ҳам худди шу жиҳатни назарда тутдик. Мақсад, касаба уюшма ҳомийлигида барпо этилган мазкур уйлар ҳар жиҳатдан ҳам яшовчиларда, ҳам атрофдагиларда ҳавас, уйғотсин.

Дарҳақиқат, янги уйларга эзгу ниятлар билан кўчиб кираётган одам борки, кўнгли яхшиликдан тўлиқиб миннатдорлигини изҳор этмоқда. Уларнинг сўзига қулоқ тутсангиз, ҳар бири бир тарих, якуни эзгулик билан тугаган эртак.

– 2015 йилда уйим ёниб кетди, – дейди чустлик Нозима Ҳамроева. – Мана шу ёнғин ҳаётимни ҳам издан чиқариб юборди. Эрим икки боламга қўшиб ҳайдаб юборди. Шусиз ҳам бедаво дарддан азият чекаётган онамнинг бошига қўшғам бўлиб қайтиб бордим.

2 ▸

Тошкент шаҳри

Жамоатчилик комиссияси

## Муаммолар мулоқотларда ечим топмоқда

**Халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштириш, юртимизнинг туман ва шаҳарларини обод масканларга айлантириш, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ҳамда мутасадди раҳбарларнинг аҳоли билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш орқали мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик комиссиясининг фуқаролар билан мулоқотлари Чилонзор туманида давом этмоқда.**



Хусусан, «Ал-Хоразмий», «Баҳористон», «Катта Хирмонтепа», «Бектўпи», «Бешқўрғон», «Гулистон», «Тирсакобод», «Ҳайробод», «Хирмонтепа», «Хонтўпи», «Шарқ», «Шараф», «Шарқ тонги», «Шуҳрат» маҳаллалари аҳли иштирокидаги учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Жамоатчилик комиссияси раҳбари Қудратилла Рафиков мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб, амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифалар хусусида батафсил тўхталди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, Республика маънавият ва маърифат маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат Жамоатчилик комиссияси қошида ташкил этилган ишчи гуруҳларининг маҳалла фаоллари билан ҳамкорликдаги ўрганишлари чоғида аниқланган муаммолар ва уларнинг ечими мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола қилинди.

Жумладан, «Катта Хирмонтепа» маҳалласидаги уй олдида болалар майдончасининг қурилиши чала қолиб кетган. Футбол майдончаси яроқсиз ҳолатда, автотураргоҳ йўқлиги эса уй йўлакларининг олди машинага тўлиб кетишига сабаб бўляпти.

18-уйнинг лифтлари эскириб қолгани, баъзида ишламай қолаётгани аҳолининг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, маҳаллада ижтимоий ёрдам, дори-дармон, уй-жой ва бошқа шу каби масалаларда фуқароларнинг мурожаатлари ҳам эшитилди ва инобатга олинди.

2 ▸

Андижон вилояти ҳокимлиги эътиборига!

## ТОР ЖОЙДАГИ ТОМОШАЛАР

*ёхуд шаҳарсозлик талаблари ва қадриятларимизга мос келмайдиган қурилишларга нега бефарқлик билан қаралмоқда?*

*Ўтмиш ҳикояларидан бирида айтилишича, уламолар намозга чорловчи муаззинни танлаш борасида баҳслашиб қолишибди. Номзод учта – соппа-соғ, ногирон ҳамда кўзи ожиз кишилар экан. Узоқ мунозаралардан сўнг сўфилик мақоми сўқир кишининг зиммасига тушибди. Бундан таажжубланганларга уламолар «Минорадан атрофдаги барча ҳовлилар яққол кўриниб туради. Сўфининг кўзлари ўша ҳовлилардаги номаҳрам мўминаларга тушмаслиги керак», дея изоҳ беришган экан.*

*Андижон туманидаги Оқёр қишлоғи, «Нўхатак» маҳалласи, Матбуотчи кўчасида яшовчи фуқаролар, мана, беш ойдирки, айни шунга ўхшаш ҳолат юзага келаётганидан норози бўлиб, турли идораларга югуришгани-югуришган.*



Андижон вилояти

2 ▸

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ



*Жиззах вилояти*

### САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Жиззах шаҳридаги «Jizzax Textile» хорижий корхонасида жамоа шартномасининг 2018 йилда бажарилиши муҳокамасига бағишланган конференция ўтказилди.

Унда корхона касаба уюшмаси томонидан ўтган йилда ишчи-ходимларни моддий рағбатлантириш, маданий ва спорт тадбирлари, болалар оромгоҳларига йўлланма бериш, тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

*Тошкент вилояти*

### ШАРТНОМА БОР, ИЖРОСИ-ЧИ?

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бўстонлиқ тумани кенгаши тасарруфидаги Маданият бўлимида 2017-2019 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2018 йилда бажарилиши юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ишчиларга муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар муҳокама қилинди, иш ўринларининг шаҳодатдан ўтказилишини молиялаштириш муаммоси юзасидан қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилди.

*Андижон вилояти*

### ҲАВАСГА АРЗИГУЛИК ИШЛАР

Асака шаҳридаги 8 минг 719 нафар ходим фаолият юритаётган «GM Uzbekistan» акциядорлик жамиятида маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2016-2018 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилиши юзасидан ҳисобот-конференция бўлиб ўтди.

Унда сўнгги даврда жамоа шартномасида кўзда тутилган бандлар ижроси бўйича сарфланган маблағ миқдори бир ишловчига ўртача 7 миллион 576 минг сўмга тўғри келаётгани қайд этилди.

Тадбир доирасида 2019-2021 йиллар учун мўлжалланган жамоа шартномаси қабул қилинди.

Конференцияда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Аҳмаджон Ҳаққулов жамоа шартномаларини йилдан-йилга тўлдириб, янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этди.

*Қашқадарё вилояти*

### НЕФТЧИЛАР АНЖУМАНИ

Қарши шаҳрида «Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик жамияти бошқаруви ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2016-2018 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг 2018 йилда бажарилиши юзасидан конференция бўлиб ўтди.

Унда корхонада меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалалари бўйича касаба уюшма фаолларининг малакасини ошириш, ўқув-семинарлари ва курсларини ташкил этиш борасида ишлар муҳокама этилди.

Анжуманда Нефт, газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг раис ўринбосари Ғофуржон Ҳамидов иштирок этди ва делегатларга жамоа шартномасининг таъсирчанлигини ошириш йўлида тегишли тавсиялар берди.

**«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

Мавзуга оид мақолалар билан ishonch.uz сайтида танишишингиз мумкин.

# Муаммолар мулоқотларда ечим топмоқда

◂1

«Тирсакобод» маҳалласи ҳудудида ёғингарчилик мавсумида масжид, «Дўмбирабод» қурилиш бозори, Гавҳар кўчаси ва 9 қаватли уйлардан чиққан сувлар Юқори Дархон кўчасида жойлашган бир нечта хонадонларга «бориб қуйилади». Ҳудудда пайсалга солмай ирригация тармоғи ётқизилиши лозим.

11-уйда яшовчи М.Ғаффорова онкологик касал. Тиббий операция учун маблағга муҳтож, устига-устак яшаётган уйи метро қурилиши муносабати билан бузилишга тушганини айтиб, Жамоатчилик комиссиясидан айни шу масалаларда ёрдам беришни сўради.



*Икром ХАСАНОВ олган суратлар.*

Бугина эмас. Маҳалла фаоллари Тирсакобод кўчасида бўш турган ерга спорт комплекси ва қариялар учун дам олиш маскани барпо этиш таклифини илгари суришди. Ўрганишлар асноси ҳудудда асфальт, канализация, ичимлик сув қувурларининг ҳам таъмирталаб қисмлари борлиги маълум бўлди.

«Шараф» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шаропбой Эгамбердиев ички йўлларни асфальт қилишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Учрашув давомида маҳалла аҳли юзага келган муаммоларни бир-бир баён қилишди.

– 23-уй 4-йўлакда лифт ишламайди, – деди шу уйда яшовчи Шоҳиста Исмоилова. – Болаликдан ногиронлиги бор фарзандимни пастга олиб тушиш ва чиқишда жуда қийналамиз. Кўча-кўйни кўрса, тоза ҳавога чиқса деймиз, лекин бунинг иложи йўқ. Агар лифт тузатилса, жуда хайрли иш бўларди.

Маҳалла фаолларининг айтишича, 25-уйнинг 4-, 5-, 6-йўлакларида ҳам лифт ишламайди. Юқори қаватларда ёши улуғ нуроний отахон ва онахонлар истиқомат қилади. Мазкур подъездларнинг ҳам лифтларини алмаштириб бериш керак.

«Шарқ тонги» маҳалласидаги Гулистон 3-проезд кўчасида катта кучланишдаги захира электр тармоқлари учун электр симлари тортилган. Кўча бошидаги электр симлари учун ихчам устунлардан фойдаланилган. Аммо кўча охирида катта темир устун автомобиль йўлининг устига ўрнатилганлиги ноқулайликларга сабаб бўлаётир. Ҳажми катта бўлгани сабабли автотранспорт қатновига халал беряпти. Маҳалла фаоллари мазкур устунни ихчамроғига алмаштириб беришда амалий ёрдам сўради.

«Шуҳрат» маҳалласидаги ички йўллар таъмирталаб. Суҳбат асноси паспортини алмаштириш масаласида қийналаётган, моддий ёрдамга муҳтож оилалар комиссияга ўз муаммоларини ҳал этишда ёрдам сўради.

Аниқланган муаммолар туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида бартараф этилиши белгиланди. Бундан ташқари, тумандаги ўрганишлар давомида юзага чиққан, фуқаролар томонидан айтиб ўтилган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши юзасидан навбатдаги учрашувда ахборот беришга келишиб олинди.

**Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,**
**«Ishonch»**

# Кўнгил иморати мустаҳкам

◂1

Бунинг устига битта фарзандим ногирон. Ёрдам сўрагулик яқиним йўқлиги учун давлатдан умидвор бўлдим, ҳокимиятга, маҳаллага ёрдам сўраб бордим. Шу аснода касаба уюшмаси деган ташкилот эшигига ҳам рўбарў бўлдим. Уй-жойга эҳтиёжмандлар рўйхатига қўшишди. Бу орада тирикчиликка қийналаётганимни кўриб, туманимиздаги педагогика коллежига техник ходим сифатида ишга ҳам жойлаштиришди.

Аслида, давлат ёрдам берсин деб, ишламай, оёғини узатиб ўтирадиганлар хилидан эмасман. Аммо ёлғиз бошим билан уй ҳам қура олмасдим. Энди ҳаммаси бошқача бўлади, ишлаб болаларимни боқаман, ҳунармандчилик ортидан даромад орттиришни ҳам озми-кўпми уддалаб турибман.

– Неча йиллардан бери акамнинг уйида яшардим, – дейди яна бир суҳбатдошимиз Марғуба Сатторова. – Очиғи, унга ҳам яшашда, ҳам фарзандларимнинг дори-дармони бўйича «тирик товон»лигимни ҳис қилиб яшаш нақадар оғир бўлган. Уч нафар фарзандим бор, улардан икки нафари биринчи гуруҳ ногирони, фақатгина эмаклашни билишади. Аллоҳ ёрлақаб, учинчи фарзандим соғлом туғилди. Аммо ҳаётнинг синови кўп экан, тиргагим – турмуш ўртоғимдан ажралиб қолдим. Бу орада қийналганимни кўриб, «ўғлинг билан қизингни болалар уйига топширвор» дея «маслаҳат» берувчилар ҳам топилди. Аммо онага фарзанди ногиронлигининг аҳамияти йўқ, борлигининг ўзи бир бахт эканлигини тушунтиришдан эринмадим. Бироқ кўп қийналдим. Ёрдам сўраб, не-не эшикларни тақиллатишга мажбур бўлдим. Ишлагим, ўз аравамни ўзим тортгим келади, аммо жужуқларимни кимга ташлайман? Бу ёқда бошпанасизлигим ҳам катта ташвиш ва у мен учун ҳеч қачон ечилмайдиган тугундек эди. Бироқ Президентимиз қарорлари билан касаба уюшмалари биз каби муҳтожларга эътибор қаратди. Энди мен ҳам уйли аёлман. Кимгадир эриш туюлар, лекин мен туш кўраётгандекман. Бу бахтнинг таъмини фақат мен кабилар ҳис қилишади. Бизни ўйлаган, халқнинг ғамини еган Президентимизга минг раҳмат.

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Президент қарори ижроси юзасидан қатор хайрли ишлар амалга оширилди. 300 та хонадон таъмирланиб, ҳар бир уй таъмири учун 9 млн. 800 минг сўм, жами 2 млрд. 940 млн. сўм сарфланди. Вилоят бўйича 840 та кам таъминланган оила вакилларига 1 млрд. 132 млн. 549 минг сўмлик маиший техника туҳфа қилинди. Шунингдек, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган 65 нафар наманганлик фуқарога қарийб 222 млн. 285 минг сўмлик дори-дармон воситалари олиб берилиб, тиббий амалиётлар учун харажатлар қопланди.

Юрт равнақи учун олға интилаётган барчанинг йўли бир, мақсади аён – давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, аҳоли ўртасида кам таъминланганлик даражасини камайтириш, одамларнинг эртага эмас бугун яхши яшашини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш.

***«Бир кўнгил иморати – минг Макка зиёрати» дейди доно халқимиз. Бугун минглаб кўнгилларга янги уй тортиқ қилиш шарофати билан қувонч улашилмоқдаки, уларнинг ҳар бирида энди эзгу ниятлар кўз очади, ижобати қўш дуолар унади. Чиройли жойларда туғиладиган гўзал орзулар, янгича ва яхши ҳаёт уларнинг барчасига хайр келтирсин!***

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch»**

# ТОР ЖОЙДАГИ ТОМОШАЛАР

**ёхуд шаҳарсозлик талаблари ва қадриятларимизга мос келмайдиган қурилишларга нега бефарқлик билан қаралмоқда?**

◂1

Гап шундаки, туман ҳокимининг қарори билан Андижон-Куйганёр магистраль йўли бўйида тўрт қаватли арзон уйлар қуриладиган бўлди. Бўлажак иморатлар Матбуотчи кўчасидаги аҳоли турар-жойлари билан ёнма-ён жойлашяптики, эътирозларнинг бош сабаби ҳам шу. Аслида, танланган ҳудуд ҳовлилар олдидаги яшил майдонлар ҳисобланиб, халқаро транзит йўл эътиборга олинган ҳолда, шаҳарсозлик талабларига кўра, шовқиндан ҳимояловчи ҳудуд сифатида қолдирилган ҳамда манзарали дарахтлар, гуллар экилган.

**КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ҚУРИШ УЧУН АЙНАН ШУ ЖОЙНИ КИМ ТАНЛАГАН? ЎЗАРО СУҲБАТИМИЗ ЧОҒИДА ҲОКИМ БУ БОРАДАГИ ИЗОҲНИ ТУМАН БОШ МЕЪМОРИ ЎТКИРБЕК МАМТАЛИЕВДАН СЎРАГАНЛИГИ БИЗ УЧУН НОҚУЛАЙ ҲОЛАТ БЎЛДИ. НАҲОТКИ, ҲУДУДДА ҚУРИЛИШ КЕТАЁТГАН БЎЛСА-Ю, БУ ҲАҚДА ҚАРОР ЧИҚАРГАН ҲОКИМНИНГ ЎЗИ БУНДАН БЕХАБАР БЎЛСА?!**

Хуллас, қурувчилар ишга киришгач, юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаролар масъул идораларга шикоят хатлари бита бошлашди: «бу ерга кўп қаватли уй қуриб бўлмайди ахир, хонадонларимиз билан оралиқ масофа жуда тор бўлиб қоляпти. Энди янги «дом»ларнинг эгалари деразадан ҳовлиларимизни томоша қилиб ўтиришадими? Оиламизда келинлар бор, қизлар бор – бўлажак қўшниларнинг доимий нигоҳи тушиб туриши қадриятларимизга ҳам тўғри келмаса керак? Устига-устак, туманда марказий канализация тизими йўқ. Ҳудудда ер ости сувлари нисбатан яқин жойлашган. «Дом»ларнинг канализацияси қаерда жойлашади?»

Шу каби эътироз ва саволлар бунёдкорлик масаласига дохил туман ва вилоят ташкилотларидан тортиб, Қурилиш вазирлиги мутасаддилари олдига ҳам кўндаланг қўйилди. Жавоблар эса деярли бир хил: танланган майдон захирада туради, шаҳарсозлик нуқтаи назаридан қонун бузилиши аниқланмади.

Албатта, кўп қаватли уй барпо этиш учун энг аввал дахлдор ташкилотларнинг хулосалари жамланади. Бекам-у кўст хулоса бўлган тақдирдагина масъул идора мутасаддилари томонидан изн берилади. Бироқ ер ажратиш билан боғлиқ унча-мунча кам-кўстни «андавалаб», «силлиқлаб» юбориш баъзи раҳбарларга чўт эмас экан.

Хусусан, Андижон туманлараро газ таъминоти идораси собиқ раҳбари Ш.Содиқов ҳудуд бош архитекторига 2018 йил 29 ноябрь куни **«5 қаватли 4 дона уй-жойлар қурилиши мўлжалланган ер майдонида ер ости газ қувурлари мавжуд эмас»** деган мазмундаги маълумот тақдим этган экан. Орадан икки ой ўтар-ўтмас, фандаги «Йўқдан бор бўлмайди», деган олтин қоида Андижон туманида тескари ишлаб кетса, денг! Ер остида ўрта босимли Д-273 мм. ўлчамдаги газ қувури бирдан пайдо бўлиб қолди. Яъни бир ой аввал газ қувурлар йўқ, деган газ идораси мутасаддилари 2019 йил 11 январь куни Андижон тумани ҳокими Улуғбек Исомиддиновга хат йўллаб, тармоқнинг уй қуриладиган майдондаги 350 метр қисмини ер остидан ташқарига олишга амалий ёрдам сўради.

Бу каби тескари маълумотлар қурилишга рухсат олиш учун юқори ташкилотларга ёлғон-яшиқ хулоса тақдим этилмаганмикин, деган шубҳа-гумон туғдириши тайин. Чунки вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг туман бўлими бошлиғи «танланган ер майдони бугунги кунда бўш, **сарф-харажат мавжуд эмас»,** дея хулоса берган.

Хуллас, ер остидаги 350 метрлик газ қувурини бир амаллаб ковлаб олишди. Газ идорасининг айни пайтдаги раҳбари Сардорбек Холиқов «бу ишга маблағ сарфланмади, ўзимизнинг махсус техникамиз бир ҳафта ишлади», деб фикр билдирди. Етти кун давомида тинмаган техникага кетган ёнилғини ким ҳисоблайди? Иш ҳақини-чи?

Кўп қаватли уй қуриш учун айнан шу жойни ким танлаган? Ўзаро суҳбатимиз чоғида ҳоким бу борадаги изоҳни туман бош меъмори Ўткирбек Мамталиевдан сўраганлиги биз учун ноқулай ҳолат бўлди. Наҳотки, ҳудудда қурилиш кетаётган бўлса-ю, бу ҳақда қарор чиқарган ҳокимнинг ўзи бундан бехабар бўлса?!

Матбуотчи кўчасида яшовчи фуқаро Қодир Халиловнинг айни масала юзасидан Қурилиш вазирлигига йўллаган мурожаатидан сўнг муаммо ўрганилди ҳамда вилоят қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиқлари А.Ҳожиматов, Ж.Ҳотамжонов, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ Андижон филиали директори имзоси билан маълумотнома тайёрланди. Жавоб хатининг қисқача мазмуни шуки, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига кўра, баландлиги 4-5 қават бўлган турар-жойларнинг узун томонлари оралиғи **25-30 метрни** ташкил этиши белгиланган, мазкур ҳолатда эса кўп қаватли уй билан маҳалладаги ҳовлилар ўртасида **15-19 метр** масофа қолдирилганлиги боис қонун бузилиши ҳолатлари аниқланмабди. Масъулларнинг ўз фикрини ўзи инкор этганлигини нима, деб тушунса бўлади? Биз мулоқотда бўлган бир қатор фахрий қурувчи ва меъморлар мазкур жавоб хатини шарҳлаб, минг андиша билан ҳамкасблари томонидан шунчаки аризачи фуқарони «тинчитиш» учунгина тайёрланган, деган хулосага келишди.

Арзгўйларнинг бошини қотираётган энг катта муаммолардан бири – барпо этилаётган уйларнинг канализациясидир. Далолатномаларда оқова сувлар ҳандаққа ташланади, деган тўхтамга келинган. Бироқ қурилишни бошлаб қўйганларидан кейин янги уйнинг теварак-атрофида ўра ковлаб бўлмаслиги эсларига тушган чоғи, ҳозирча тайинли, тугал хулоса йўқ. Бундай иш тутуми шим кийишдан аввал пойабзални оёққа илгандек гап эмасми?

Туман «Сувоқова» давлат унитар корхонаси раҳбари Дилшодбек Қўлдошевнинг таъкидлашича, «Нўхатак» маҳалласи ҳудудидаги «Аброрбек файз



сервис» масъулияти чекланган жамиятига қарашли чорвачилик фермаси ёнида захира ер бор. Кўп қаватли уйлар билан оралиқ масофа 800 метр. Келажакда айни ҳудудда хонадонларнинг оқовасини қайта ишлаб, тозаланган сувни зовурга чиқариб юборадиган мажмуа барпо этилар эмиш.

Дилшодбек Қўлдошев тилга олган масала бешикдаги болага эртак айтиш билан баробар. Чунки дунё тажрибасида канализация оқовасини қайта ишлаш мажмуаси шаҳар ташқарисида, аҳолидан узоқ масофаларда барпо этилади. Зикр этилаётган ҳудудда эса аҳоли ниҳоятда зич яшайди.

**ГАПИРСАК, ГАП КЎП. ИККИТА ЁНМА-ЁН МАҲАЛЛА – «БАХТ» ҲАМДА «НЎХАТАК»ДАГИ НАМУНАЛИ ТУРАР-ЖОЙЛАР ҲАМДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ ИШЛАРНИНГ ШОШМА-ШОШАРЛИК БИЛАН ҚИЛИНГАНЛИГИ ОҚИБАТИ. ХЎШ, ЭНДИ БУ ЯНГИ МУАММОЛАРГА КИМ АНИҚ ЕЧИМ АЙТА ОЛАДИ?**

Боз устига, «Нўхатак» маҳалласининг Янги ҳаёт кўчасида 2010 йили намунавий лойиҳа асосида барпо этилган қўш қаватли 70 та уй-жойнинг ҳожатхонасидан тортиб барча оқова сувлари, мана, тўққиз йилдирки, «Сувоқова» ДУК раҳбари тилга олган ферма ҳудудида яратилган «сунъий кўл»га оқизиляпти. Ҳар замонда «кўл» тошиб кетмасин деб, оқовасини озайтириб туришади. Бу ҳол теварак-атрофдаги хонадон соҳибларини жуда бездириб юборганини айтиб ўтирмайлик. Ахир, кун исигани сари бадбўй ҳид тутиб кетади, нафас олиб бўлмайди.

Ҳоким ҳар йили қанча-қанча аҳолини уй билан таъминлаш учун ҳаракат қилаётганини, масалан, икки йил аввал Куйганёр шаҳарчасидаги «Бахт» маҳалласида, собиқ темир-бетон буюмлари бозори ўрнида 7 та икки қаватли арзон турар-жойлар барпо этилганини фахр билан тилга олди. Эл-юрт ташвиши учун жон койитаётганига раҳмат! Аммо айнан мана шу янги хонадон соҳибларидан ҳам бизга қатор шикоят ва эътирозлар билдирилганки, бу масала ҳам канализация мавзусига тааллуқли.

Мазкур 7 та турар-жой канализацияси учун уйлар оралиғига 6 дона қўлбола қудуқ-контейнер ўрнатилган. Ҳудуд зах-каш, айни пайтда барчаси тўлиб-тошяпти. Кун исиса, ниқоб тақиб юриш зарур.

Янги уй соҳибларининг таъкидлашича, оқова сув билан тўлган қудуқ «Тоза ҳудуд» ДУКга қарашли махсус техникада камида етти-саккиз марта ташиб кетилсагина бўшайди. 10-15 кун ўтар-ўтмас яна тўлади. Ҳар бир қатнов учун 80-100 минг сўм атрофида хизмат ҳақи белгиланган.

– Ҳафтанинг якшанба кунлари аҳоли вакилларини қабул қиламан, мурожаатларига қулоқ тутаман, – дейди Андижон тумани ҳокими Улуғбек Исомиддинов. – Ҳудуд катта, муаммо кўп. Одамларгаям ҳайронсан, шунақа масалаларда газетага ёки юқори ташкилотларга мурожаат этишдан олдин менга учрашса бўлмайдими? Муаммога ҳудуднинг ўзида ечим топамиз.

– Қўни-қўшнилар билан 10 га яқин аёллар канализация муаммоси юзасидан ҳоким қабулига борганмиз, – дейди исми сир қолишини илтимос қилган хонадон соҳибаларидан бири (унинг исми-шарифи таҳририятга маълум, фикрлари диктофонга ёзиб олинган). – Аммо ҳоким бизни эшитишни ҳам истамади. «Керак бўлса, пул йиғиб қудуқ сувини торттирасанлар», деб овозимизни ўчириб қўйди. Арзон уй-жой, деб ҳавас қилиб олгандик. Ёз кунлари деразани очиб ўтиролмаймиз. Ҳар ойлик кредитдан ошиниб, ҳадеб канализация учун пул йиғиш оғирлик қилади, албатта.

Мантиқан фуқаронинг гапларида жон бор – кўтарилаётган муаммодан ҳокимнинг бехабар қолиши мумкин эмас. Сабаби, назарда тутилаётган ҳудуд туман марказидан олисда эмас, балки ҳокимлик биносидан тўрт қадам нарида – у ёққа ўтсанг ҳам, бу ёққа ўтсанг ҳам кўзинг тушади.

Гапирсак, гап кўп. Иккита ёнма-ён маҳалла – «Бахт» ҳамда «Нўхатак»даги намунали турар-жойлар ҳамда кўп қаватли уйларнинг муаммолари ишларнинг шошма-шошарлик билан қилинганлиги оқибати. Хўш, энди бу янги муаммоларга ким аниқ ечим айта олади?

«Нўхатак» маҳалласи аҳлининг ҳақли норозилигига сабаб бўлаётган ҳамда айни кунларда пойдевори кўтарилаётган 4 та тўрт қаватли уйлар мавзусига қайтсак. Кўриниб турибдики, улар на шаҳарсозлик талабларига, на миллий қадриятларимизга мос келади. Буни бошқа раҳбарлар тушунмаса ҳам, фаолиятини тадбиркор-қурувчиликдан бошлаб, ҳокимият тизимига кириб келган Улуғбек Исомиддинов яхши билиши керак.

Амалдаги қонунчиликка кўра, шаҳарсозлик фаолияти жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зид бўлса, бундай фаолият тугатилиши керак. Ҳолбуки, «Нўхатак» маҳалласи фуқаролари ҳам ҳокимдан ош сўрашмаяпти, нон сўрашмаяпти, аксинча, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишаётир.



**Нурилло НЪЪМОНОВ,**
**«Ishonch»**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:**

# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади**

## № 2019-10

**Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 4 апрель**
**Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:**
**Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг**

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

**1-тип:** Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

**2-тип:** 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар асосида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Самарқанд вилояти**
**Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-уй
**Телефон:** (0 366) 233-50-76 **Факс:** (0 366) 231-13-51

**5. Тендер ҳужжатлари нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«______вилояти, ________тумани, __________массивидаги, ________ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун тўлов кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

**Самарқанд вилояти**
**Банк:** «Алоқа банк» АТБнинг Самарқанд филиали
**ИНН:** 202 427 054 **МФО:** 00985
**ҳ/р:** 20210000803783329001

**Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатигача:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

**Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

**Самарқанд вилояти ҳокимияти**
**Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй
**Телефон:** (0 366) 233-25-93 **Факс:** (0 366) 233-25-93

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

| Уй типлари | Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м² |
| 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар | 150 000 000 | 120 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 400 000 000 | 1 920 000 000 | 360 | 600 | 1440 |

### ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

| Лот № | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Хонадон сони | Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар | | | бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га) | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | уй рақами | |
| Самарқанд вилояти | | | | | | | | | |
| 534 | Пастдарғом | Гўзалкент | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 4 май 11:00 |
| 535 | Пастдарғом | Гўзалкент | 6 | | | | 6 | 9-14 | 2019 йил 4 май 11:00 |
| 536 | Пастдарғом | Гўзалкент | 6 | | | | 6 | 15-20 | 2019 йил 4 май 11:00 |
| 537 | Пастдарғом | Эски жума | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 4 май 11:00 |
| 538 | Пастдарғом | Эски жума | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 4 май 11:00 |
| 539 | Пастдарғом | Эски жума | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 4 май 11:00 |
| 540 | Самарқанд | Паррандачилик | 2 | | | | 2 | 7-8 | 2019 йил 4 май 11:30 |
| 541 | Ургут | Мерганча | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 4 май 12:00 |
| 542 | Ургут | Мерганча | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 4 май 12:00 |
| 543 | Ургут | Мерганча | 24 | 1 | 24 | 3 | | | 2019 йил 4 май 12:00 |
| 544 | Ургут | Мерганча | 24 | 1 | 24 | 4 | | | 2019 йил 4 май 12:00 |
| 545 | Ургут | Мерганча | 24 | 1 | 24 | 5 | | | 2019 йил 4 май 12:00 |
| 546 | Ургут | Мерганча | 24 | 1 | 24 | 6 | | | 2019 йил 4 май 12:00 |
| 547 | Ургут | Мерганча | 24 | 1 | 24 | 7 | | | 2019 йил 4 май 12:00 |
| 548 | Ургут | Мерганча | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 4 май 12:00 |
| 549 | Ургут | Мерганча | 6 | | | | 6 | 9-14 | 2019 йил 4 май 12:00 |
| 550 | Ургут | Мерганча | 6 | | | | 6 | 15-20 | 2019 йил 4 май 12:00 |

**Изоҳ:** «Ishonch» газетасининг аввалги сонларида Самарқанд вилояти Ургут тумани Алгар массиви учун эълон қилинган 417, 418, 419, 420, 421, 422, 423, 424, 425 лотлар бекор қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:**

# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади:**

## № 2019-04 ретендер

**Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 4 апрель**
**Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:**
**Эълон чоп этилган санадан 15 кундан сўнг**

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

**1-тип:** Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

**2-тип:** 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар асосида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Манзил:** Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 59а
**Телефон:** (0 361) 222-74-12 **Факс:** (0 361) 222-74-12

**5. Тендер ҳужжатлари нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«______вилояти, ________тумани, __________массивидаги, ________ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун тўлов кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Банк:** «Капиталбанк» АТБнинг Нукус филиали
**ИНН:** 202610040
**ҳ/р:** 20210000903952518001

**Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатигача:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

**Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши**
**Манзил:** Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 50-уй
**Телефон:** (0 361) 222-74-12 **Факс:** (0 361) 222-74-12

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

| Уй типлари | Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м² |
| 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар | 150 000 000 | 120 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 400 000 000 | 1 920 000 000 | 360 | 600 | 1440 |

### ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

| Лот № | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Хонадон сони | Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар | | | Бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.) | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | Уй рақами | сони | Уй рақами | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | | | 20 | | | | 20 | | |
| 206 | Тўрткўл | Уллубоғ | 10 | | | | 10 | 11-20 | 2019 йил 19 апрель 11:00 |
| 207 | Тўрткўл | Уллубоғ | 10 | | | | 10 | 21-30 | 2019 йил 19 апрель 11:00 |

### Аукцион савдолари хабарномаси

## «GOLDEN BUILD TRADING» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Очиқ аукцион савдоларига Бухоро вилояти «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 28 мартдаги 01-03/273-сонли буюртма хатига асосан жамият ҳисобидаги қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

Бухоро шаҳри, Мирдўстим кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 571,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 237,8 кв.метрдан иборат собиқ Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази «Автогараж биноси».

**Бошланғич баҳоси** – 27 500 000 (Йигирма етти миллион беш юз минг) сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2019 йил 7 май куни соат 11:00 да Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

2019 йил 7 май куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган ЛОТ бўйича 2019 йил 14, 21 май кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар:**

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари;

– **жисмоний шахслардан** паспорт нусхаси;

– **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 302118823, МФО: 00111, «Турон банк» АТБнинг Бухоро вилояти филиали, ҳ/р: 20208000704953182001.

**«Аукцион ташкилотчиси»** – «Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:** Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават). **Тел.:** (+998 91) 405-73-47. **E-mail:** mauzatak@mail.ru

**Лицензия № RR-0117**

### Аукцион савдолари хабарномаси

## «BEST AUKSION SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Аукцион савдоларига Савдо саноат палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 3 апрелдаги 247-сонли буюртма хатига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

**1 лот.** 2014 йилда и/ч, «Нексия» русумли, д/р: 80/246YAA бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси** – 50 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йил 7 май куни соат 14:00 да Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

2019 йил 7 май куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган ЛОТ бўйича 2019 йил 14 ва 21 май кунлари такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари;

– **жисмоний шахслардан** паспорт нусхаси;

– **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 305300366, МФО: 00115, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Бухоро минтақавий филиали, ҳ/р: 20208000300842711002.

**«Аукцион ташкилотчиси» –** «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:** Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават). **Тел.:** (+998 91) 414-97-00. **E -mail:** bas_savdo@mail.ru.

**Гувоҳнома № 576174**

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

**2019 йил март ойида ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасини маълум қилади!**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки балансидаги Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 35-уй манзилида жойлашган умумий майдони 2175,0 кв.м. бўлган (Б-блок) «Савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси» (ертўла, 1 ва 2 қават) **бошланғич баҳоси** – 11 497 100 000 сўм. **Сотилиш баҳоси** – 11 877 434 000 сўм.

**Лицензия № RR-0008.**

*Қашқадарё вилояти*



# Бахшили эл – бахтли эл

**Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор бахши Раҳимов билан суҳбат**

**Эртага Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали бошланади. Ушбу нуфузли халқаро тадбир юртимизда бахшичилик ва достончилик санъатини янги босқичда юксалтириш, миллий анъана ва урф-одатларимизни, қадимий нафис санъатимизни янада кенг тарғиб этиш имкониятини яратмоқда. Фестиваль олдидан Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор бахши Раҳимов билан суҳбатлашдик.**

**– Сиз бахшилар сулоласидансиз, аввал шу ҳақда сўзласангиз?**

– Отам Қодир Раҳим ўғли ўзининг бетакрор овози, санъати, етук салоҳияти билан элда машҳур эди. Отам олти марта Осиё бахшилари, оқинлари халқаро танловларида лауреат бўлган. 76 та достон, мингга яқин осори-атиқалар, термаларни ёддан билган. Сон-саноқсиз мақоллар унинг ҳар сўзига, каломига эш бўлган. Юздан ошиқ оҳангларда куйлаб, барчани сеҳрлаб қўядиган, жойи келганда йиғлатиб, жойи келганда кулдира оладиган Қодир бахши жонажон дўмбирасини 150 дан ортиқ навода сайрата олган. Ўз бахшичилик мактабини яратган инсон эди. Бугун унинг шогирдлари, фарзанд ва неваралари ота-боболари ишини фахр ва ифтихор, содиқлик ҳамда шараф туйғуларини уйғун ушлаб, давом эттиришмоқда.

**– Онангиз... У киши ҳам халқ оғзаки ижодини яхши билган. Тўғрими?**

– Онам Мапархон момо ўта закий аёл бўлган. Унинг алла айтишдаги ширали овози, ҳикмат ва некбин орзу-ниятларга қоришиқ айтган аллалари овозаси етти маҳаллага ёйилган экан. Қўшни қишлоқлардан келинлар, аёллар болаларини онамга олиб келиб, «Момоси, боламга бир алла айтиб беринг» деб мурожаат қилишаркан.

Онам иш билан андармон бўлганида отам дўмбирасини қўлга олиб, бешигим бошида чертиб, мени овутиб ўтираркан. Демак, бахшичиликка меҳр, санъатга, Ватанга муҳаббат руҳимизга, қон-қонимизга она алласи ва отамнинг дўмбираси садолари орқали ўтгани аниқ.

**– Бугун ўзингиз катта бахшисиз? Эл орасида достонларингиз довруғи ёйилган. Ижодингиздан кўнглингиз тўладими?**

– 68 та достонни ёд биламан. Ўнга яқин термалар тўплами, кўплаб достонларим китоб ҳолида босилиб чиқди. Булар эса қалбимга яна ва яна ижод қилиш, тинмай изланиш ҳиссини беради. «Алпомиш» ва «Темур ва Боязид» достонларим Туркияда, турк тилида ноталари билан катта тиражда чоп этилди. «Зулфизар» деган достонимни мёзиб олишди, айни пайтда таржима қилиш жараёнлари кетяпти экан.

**– Фестиваль ҳақида фикрларингиз?**

– Мени энг қувонтиргани Юртбошимизнинг бахшичилик санъатига, достончиликка қаратаётган эътибори, уларни ривожлантириш йўлида кўрсатаётган ғамхўрлиги ва белгилаб берган чора-тадбирлари бўлди. Мана, Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтмоқда. Дунёнинг олтмишдан ортиқ давлатидан келган бахши ва оқинлар ўз санъати билан салкам бир ҳафта давомида барчани лол этади, деган умиддаман ва ўзим қаттиқ ҳаяжондаман.

Мазкур фестивалга Қашқадарё вилояти бахшилари ҳам ўзига хос тарзда тайёргарлик кўришди. Деҳқонобод туманида 42 нафар бахши иштирокида йирик семинар бўлиб ўтди. Қолаверса, бахшилар икки йўналишда ўз маҳоратларини намойиш этиб, уларнинг энг яхшиларига, кўрик-танлов ғолибларига Термиздаги халқаро фестивалда қатнашиш ҳуқуқи берилди.

**– Бахшичилик санъати, унинг ривожи ва бугунги куни ҳақида нималар дея оласиз?**

– Шу ўринда мени бироз ранжитаётган жиҳат ҳақида айтиб ўтмоқчи эдим. Тан олишимиз керак, ўзбек достончилик санъати жар ёқасига келиб қолганди. Чунки, баъзи бахшилар умуман достон куйламай қўйишди. Аксарияти фақат яллабозлик билан машғул бўлиб қолишди. Енгил-елпи, маънан чуқур бўлмаган ижролар кўпайди. Бахшичиликнинг асоси бўлган дўмбира садоси ўрнини бошқа чолғуларнинг мусиқалари эгаллади. Бахшилар ижросига ҳам «оронжировка» аралашди. Тўғри ҳозир тараққиёт асри. «Оронжировка», мусиқани сайқаллаш юқори нуқтага чиқди. Аммо Қодир бахши тирик бўлганида ўзининг оддийгина дўмбираси ва сеҳрли овози билан ҳали ҳам минглаб одамларни хоҳласа, йиғлатган, хоҳласа кулдира олган бўларди. Биз эса бу борада оқсаяпмиз. Бошқача айтганда, санъатнинг бахшичилик тури ўз аслини йўқотмоқда. Мен бундан жуда ташвишдаман. Умид қилмоқдаманки, Президентимизнинг бахшичилик санъатини сақлаб қолиш, уни янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари, Термизда ўтаётган биринчи халқаро бахшичилик фестивали бу муаммоларни ечишда катта туртки вазифасини ўтайди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Мария Перла хоним Қашқадарёда семинар ўтказганида бизга қадриятларни асл ҳолича сақлашимиз лозимлигини, шундагина санъатимиз дурдона мисол юксак қадрланишини, халқаро ташкилот меросларнинг асл ҳолича қолиши тарафдори эканини айтганди. Демак, бахшичиликка санъатнинг бошқа йўналишларини аралаштирмаслигимиз зарур ва шарт.

**Суҳбатдош:**
**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch»**

**Янги нашр**

# Яхши сув учун яхши кўза...




Халқ оғзаки ижоди, хусусан, бахшичилик санъати кишини қаҳрамонлик, фидойилик, баланд инсоний туйғулар, бурч, яхшилик илиниш, ёмонликдан қочиш каби хислатлар устувор юксак оламга олиб киради, руҳини озиқлантиради, уни ҳам шу «дардлар» билан «касаллантиради».

«Akademnashr» томонидан чоп этилган **«Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам»** китоби шу жиҳатдан бадиий сўз ихлосмандлари учун туҳфа бўлди. Китоб босма ва аудио шаклда бўлиб, достон ва термаларни «Alpomish media» раҳбари Ўктам Ҳакимов тўплаб, қоғозга туширган.

Ўзбекистон халқ бахшилари Абдуназар бахши Поёнов, Шоберди бахши Болтаев, Хушбоқ бахши Мардонақулов, Чори бахши Умиров, Бобораим бахши Маматмуродовлар, таниқли бахшилар Абдурашид Боймуродов, Йўлдош Сувонов, Қодир Раҳимов ва бошқаларнинг ижод намуналари жамланган тўплам нафақат мазмун, балки шакли билан киши эътиборини тортади. Муқова учун танланган ранг, саҳифалардаги суратлар, ҳошиялардаги нақшлар кўзга ором беради, асарнинг нафақат ақлан, балки визуал қабул қилинишини ҳам ёқимли машғулотга айлантиради. Умуман, нашриётларимиз «ёмон кўзада яхши сув» ақидасидан тобора воз кечиб, «яхши сув учун яхши кўза» тамойили билан иш юритмоқда. Тўпламга киритилган достон ва термалар ёзилган аудиоёзувлар диски ҳам ичидаги хазинага мос тарзда дизайн қилинган. Саҳифадан саҳифага ўтган сари китобхон кенг далаларга чиқиб кетади, кўм-кўк осмон остида хаёл суриб ётади, кўз қорачиқларига дунёни жойлаб олгудек юксалиб боради.

Муаллиф жуда салмоқли ва жиддий иш қилган – кенг оммага тақдим этилмаган, нашр қилинмаган термалар ва достонларни йиғиб, аудио ва босма шаклда чиқарган. Китобхон халқ оғзаки ижодининг янги, шу пайтга қадар нотаниш бўлган манбалари билан танишади, гўзалликларидан баҳра олади.

Тўпламдан ўрин олган айтимларда ўзбекнинг юксак мақомдаги ички маданияти акс этиб туради.

Терма ва достонлар билан танишиб бораркансиз, Сурхондарёнинг қайноқ ҳовури, Қашқадарёнинг алп полвонлари, Хоразмнинг чучуктил гўзаллари, қорақалпоқнинг эрка, шўх-шан қизлари даврасига тушгандай бўласиз.

Халқ оғзаки ижоди билан шуғулланмоқчи ёки уни тадқиқ қилмоқчи бўлганлар учун ўзига хос услубий қўлланма бўла оладиган **«Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам»** тўплами нафақат бадиий, балки маънавий ҳодисадир. У миллий ўзликни англаш, тарихдан ибратланиш, келажакка ҳам шу гўзал сифатларни олиб ўтиш йўлидаги дадил қадам бўлди.

**Муҳайё ИСМОИЛОВА,**
**«Ishonch»**

**Дил сўзлари**

# Бу байрамда биз ўзлигимизни топамиз



**Маҳмуд НАМОЗОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

*– Тарихда ўзбекнинг тўй-ҳашами бахшилар-у оқинларсиз ўтмаган. Сурхондарёда бу одат ҳозирга қадар сақланиб қолган. Бахшили тўйлар бошқача файзли, эртакмонанд ўтади. Мен бахшилар ижросини тинглашни яхши кўраман. Қодир бахши, Шоберди бахши, Абдуназар бахшидан тортиб бугунги ёш бахшиларгача эшитаман. Болалигимдан дўмбира оҳанги қулоғимга сингиб қолгани учун бу санъатга бефарқ эмасман. Умуман, халқимиз достонларни ҳамиша севиб тинглаган, бахши бўлмаганлар ҳам ёддан билиб, айтиб юрган. Достон оҳанглари ўзбек халқининг томирларида оқади.*

*Доим бахшиларимиз нафақат воҳа ё Ўзбекистон, балки дунё саҳналарида куйласа, биз ҳам бошқа халқлар достончилиги билан танишсак, дея орзу қилар эдик. Бу кунларга ҳам етдик. Сурхондарёда бахшичилик мактаби очилди. Қашқадарёда ҳам очилиш арафасида. Бу санъатга қизиққан ёшларга барча шароитлар яратиб бериляпти.*

*Президент ташаббуси билан ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг Термизда бўлаётгани бежиз эмас. Бу Сурхон бахшиларига ҳурмат, бу санъатни асраб келишдаги ҳиссаларини эътироф этишдир. Бу байрамда биз ўзлигимизни топамиз. Яна санъатга қизиққан иқтидорларни кашф этамиз.*

*Бу байрам турли халқлар бахшиларини бир ерга йиғиб, маданий-ижодий ва руҳий алоқаларни йўлга қўйиш, турли халқ оғзаки ижодларини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Бир-биридан бехабар ижод қилиб юрган турли миллатга мансуб бахшилар танишадилар, ҳамкорликда ижод қиладилар.*

*Шундай экан, бу фестиваль нафақат ўзбек халқи, балки бахшичилик санъатидан хабардор барча халқлар учун чинакам байрамдир.*

# Термиздан таралган тўлқин дунёга ёйилажак



**Нодир ЖОНУЗОҚ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари:**

*– Гапнинг очиғи, бугун глобаллашув туфайли халқ оғзаки ижоди билан бугунги ёш авлод ўртасида масофа ва бегоналашув бор. Ёшлар бахшиларни севиб эшитяпти, халқ достонларини севиб ўқияпти, десак ёлғон бўлади. Кескин чоралар кўрилмаса, бу бегоналашув кучайиб, масофа йироқлашиб кетади. Президентимизнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси шу жиҳатдан ниҳоятда долзарб ва айни вақтдаги қарор бўлди.*

*Ҳозир ҳаётини шу соҳага бағишлаган олимлар, тадқиқотчилар, бахшилар халқаро миқёсда ўтказилажак тўй ҳаяжони билан яшаяпти. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоир-ёзувчиларимиз ҳам иштиёқ билан кутяпти. Чунки бахшилар биринчи галда шоир, ижодкордир. Улар аждодлардан мерос достонларни кейинги авлодга безавол етказиш вазифасини бажариш билан бирга бугун ҳам замонавий ўланлар, термалар тўқиётган ижодкорлар ҳисобланади.*

*Бу фестивални ўтказишдан нима фойда? Бир қанча бахшилар келиб, достонини айтиб кетгач, нима бўлади? Бу саволга шундай жавоб берган бўлардим:*

*Биринчидан – бутун ҳаётини шунга бағишлаган, достончиликнинг тақдири нима бўлади, бу соҳа йўқолиб кетмасмикан, деган иштибоҳда юрган бахшиларимизнинг кўнгли хотиржам, эртаси ишончли бўлади.*

*Иккинчидан – ушбу соҳага киришга иккиланаётган ёшларимизда ишонч пайдо бўлади. Демак, бу соҳа давлат ҳимоясида экан, бу халқаро миқёсга олиб чиқиларкан, дея уларда дадиллик ошади.*

*Учинчидан – фольклоршунос мутахассисларимиз катта бир манбага эга бўлади. Улар нафақат ўзимизнинг, балки турли халқларнинг оғзаки ижоди билан танишади, уларнинг бахшичилик йўлларини ўрганади. Бу келажакда катта тадқиқотлар қилинишига олиб келади.*

*Тўртинчидан – бу тўй тантанаси Термизда қолиб кетмайди. Унинг тўлқини мамлакатга, бутун дунёга ёйилишига ишонаман.*

**Ёзиб олувчи:**
**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch»**

**Эълонлар**

## «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**Очиқ аукцион савдоларига «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 27.03.2019 йил кунги 21-22/22-сонли хатига асосан носоз ҳолдаги қуйидаги техникалар қўйилмоқда:**

| | Русуми | Т/В тури | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Жойлашган манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 402701 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 2 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 2803 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 3 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 2943 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 4 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 3286 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 5 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 2758 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 6 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 2906 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 7 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 2987 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 8 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 2962 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 9 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 3047 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 10 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 3298 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 11 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 3461 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 12 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 4433 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 13 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 403045 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 14 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 3437 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |
| 15 | Истанбул-Фрейхауф | Автоцистерна | 40 3300 АА | 2000 | Автонефттранс | 18 500 000 |

**Аукцион савдолари 2019 йилнинг 7 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2019 йил 3 май соат 16:00.

**Талабгорлар диққатига!**

Юқорида кўрсатилган техникалар 2019 йилнинг 7 май кунги аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2019 йилнинг 22-, 31 май кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион садосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган техникаларга қизиқиш билдирган талабгорлар «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг транспорт бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб яқиндан танишишлари мумкин.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини закалат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари лозим: ҳ/р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

**Мурожаат учун манзил:** Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. **Тел.:** +99895-402-54-75.

**Гувоҳнома № 1894.**

## «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти ИИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**

| № | Автотранспорт воситаси русуми | Давлат рақами белгиси | Автотранспорт воситаси ҳолати | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Нексия | 75 496 VSF | Носоз | 4 200 000,00 |
| 2 | Нексия | 75 518 AAA | Носоз | 4 200 000,00 |
| 3 | Нексия | 75 514 VSF | Носоз | 4 200 000,00 |
| 4 | Сиело | 75 511VSF | Носоз | 4 200 000,00 |
| 5 | Нексия | 75 028 VSF | Носоз | 4 200 000,00 |
| 6 | Нексия | 75 519 VSF | Носоз | 4 900 000,00 |
| 7 | Опел Вектра | 75 453 VSF | Носоз | 4 500 000,00 |
| 8 | Дамас | 75 498 VSF | Носоз | 5 400 000,00 |
| 9 | Дамас | 75 532 VSF | Носоз | 4 200 000,00 |
| 10 | ВАЗ-21099 | 75 036 VSF | Носоз | 2 100 000,00 |
| 11 | ВАЗ-2107 | 75 529 VSF | Носоз | 2 100 000,00 |
| 12 | УАЗ-31514-012 | 75 482 VSF | Носоз | 2 400 000,00 |
| 13 | УАЗ-469 | 75 475 VSF | Носоз | 3 200 000,00 |
| 14 | ГАЗ-66 | 75 162 VSF | Носоз | 2 500 000,00 |
| 15 | ЗИЛ-131НА | 75 167 VSF | Носоз | 6 300 000,00 |
| 16 | Мидибус М24 | 75 163 VSF | Носоз | 6 250 000,00 |
| 17 | УзОтойол | 75 165 VSF | Носоз | 5 950 000,00 |
| 18 | Отойол | 75 166 VSF | Носоз | 5 950 000,00 |
| 19 | УРАЛ-4320 | 75 173 VSF | Носоз | 4 500 000,00 |
| 20 | УРАЛ-4320 | 75 170 VSF | Носоз | 4 500 000,00 |
| 21 | УРАЛ-4320 | 75 543 BAA | Носоз | 4 500 000,00 |
| 22 | КАМАЗ-43105 | 75 161 VSF | Носоз | 6 800 000,00 |
| 23 | Нексия | 75 027 VSF | Носоз | 4 200 000,00 |

Аукцион савдоси Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй манзилида 2019 йилнинг 15-, 16-, 17 апрель кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ЧЭКИ «Ҳамкорбанк»даги ҳисобрақамига (ҳ/р: 20208000400868025001, МФО:01001, ИНН:305471954) сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил:** Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй. **Тел.:** 0-376-224-36-76.

**«Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ.**

**Хизматлар лицензияланган.**

«O'zbekinvest Hayot» mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug'urta kompaniyasi жамоаси компаниянинг Наманган вилояти филиали ходими Рустам Ҳакимовга волидаи муҳтарамаси

**Алия ая ҲАКИМОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан Чилонзор тумани, Тоҳир кўчаси, 26-уй учун берилган Ғофуров Абдушукур Бахтиёр ўғлига тегишли кадастр ҳужжатлари ва уй плани йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани «Давлат хизматлари маркази» томонидан 06.06.2017 йили № 530615 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган (СТИР: 304975857) Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Бирлашган кўчаси, 13-уй манзилида жойлашган ООО «DRAS-CO» МЧЖ шаклидаги корхона Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПП-630-сонли қарорига мувофиқ тугатилаётганлиги маълум қилинади.

Барча эътирозлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой вақт мобайнида қуйидаги телефонлар бўйича қабул қилинади: **Тел.: (+998-98) 337-76-97, 71-295-47-74**

* * *

Юсупова Муҳаррам Махамаджоновна номига берилган меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро** – (+998-99) 889-90-31
**Жиззах** – (+998-99) 889-90-25
**Наманган** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий** – (+998-99) 889-90-28
**Самарқанд** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
С. Абдураҳмонов
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **22:35**
Топширилди – **23:35**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 417.** **30112** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 . 5 6